



### ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

**Шарипова Нилуфар Хикматуллаевна**  
Тошкент молия институти, PhD

**Аннотация.** Мақолада банкларнинг молиявий барқарорлиги тушунчасининг назарий асослари ўрганилган. Шунингдек, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи ташқи ва ички омиллар таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар берилган.

**Калит сўзлар:** барқарорлик, молиявий барқарорлик, банкларнинг молиявий барқарорлиги, банкларнинг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар.

### ФИНАНСОВАЯ УСТОЙЧИВОСТЬ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ И ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА НЕЕ

**Шарипова Нилуфар Хикматуллаевна**  
Ташкентский финансовый институт, PhD

**Аннотация.** В статье исследуются теоретические основы концепции финансовой устойчивости банков. В нем также содержатся соответствующие выводы на основе анализа внешних и внутренних факторов, влияющие на финансовую устойчивость коммерческих банков.

**Ключевые слова:** стабильность, финансовая устойчивость, финансовая устойчивость банков, факторы, влияющие на финансовую устойчивость банков.

### FINANCIAL STABILITY OF COMMERCIAL BANKS AND FACTORS AFFECTING IT

**Sharipova Nilufar Xikmatullaевна**  
Tashkent Financial Institute, PhD

**Abstract.** The article explores the theoretical foundations of the concept of financial stability of banks. It also includes corresponding conclusions based on the analysis of external and internal factors affecting the financial stability of commercial banks.

**Keywords:** stability, financial stability, financial stability of banks, factors affecting the financial stability of banks.

#### Кириш.

Барча мамлакатлар учун иқтисодиётнинг инқироз ва инқироздан кейинги жараёнларида банк тизими муҳим ўрин тутди. Ушбу босқичда банкларнинг молиявий барқарорлиги муаммосига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Умуман олганда, “барқарорлик” тушунчасига турлича таърифлар берилди. Банк тизими мамлакатнинг қон томири бўлиб ҳисобланганлиги сабабли банкларнинг барқарорлигини таъминлаш истиқболдаги муҳим вазифа ҳисобланади.

Авваламбор, “барқарорлик” ва “молиявий барқарорлик” тушунчаларини аниқлаштириб олиш лозим, шу аснода, банкнинг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи омиллар белгилаб олинади.

**Адабиётлар шарҳи.**

“Барқарорлик” тушунчасининг моҳиятини аниқлаш етарлича узоқ ва мураккаб эволюция босқичидан ўтган. Ушбу тушунчанинг эволюцияси Конфуций, Платон, Аристотел давридаги мукамал барқарор давлат яратиш ғоясидан бошланади. XVI. асрларда яшаган олим Т.Мор барқарорлик асосига уч асосий шартни белгилайди: хусусий мулкни бекор қилиш, меҳнат тақсимотини адолатли амалга ошириш ва адолатли давлат тизими. XVIII асрдан XIX асргача бўлган даврда кўплаб олимлар ушбу саволни қайсидир маънода тадқиқ қилганлар. Мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги мавзусини тадқиқ қилган олим А.Смит, мамлакат барқарорлигининг “душманлари” сифатида уруш, турли хил ташқи тажовузлар, мамлакат ҳукуматининг дангасалик ва ақл билан иш тутмаслик каби сифатларини таъкидлайди. Анри Луи Шателье иқтисодий тизимнинг барқарорлигига шундай таъриф беради: “барқарор ривожланишда иқтисодий тизимлар мувозанатда бўлиши лозим, шундан келиб чиқиб, тизим барқарорлигига кўрсатилган ташқи таъсирлар ички чора-тадбирлар билан қопланиши керак, бунда ички чора-тадбирлар саводли бошқарув қарорлари билан амалга оширилиши лозим бўлади”. “Барқарорлик” тушунчасининг эволюцияси қуйидаги жадвалда акс эттирилган.

**1-жадвал****“Барқарорлик” тушунчасининг олимлар томонидан ўрганилиши**

Иқтисодчи олим	Давр
Платон, Аристотел	Милоддан олдин
Т.Мор	XVI аср
А.Смит	XVIII аср
Анри Луи Шателье	XX аср
Замонавий олимлар	XXI аср

Замонавий иқтисодиётда “барқарорлик” тушунчасининг кўплаб талқини мавжуд. Катта иқтисодий луғатда, ушбу тушунчага чидамлик, доимийлик, риск ва зарарларга қарши тура олиш каби изоҳлар берилган. Фредрик Мишкин (2016) эса қуйидагича изоҳлайди: “молиявий барқарорлик бу молия тизими, хусусан, молия бозорлари ва молиявий институтлар тизимининг беқарор иқтисодий шароитда асосий функцияларини бажара олиш қобилиятидир” (Frederic S. Mishkin, 2016). Окладский ва Барановлар (2000) “иқтисодий барқарорлик” тушунчасига шундай таъриф беради: “барқарорлик - тизим фаолияти давомида унинг самарали ишлашига шароит яратувчи параметрларининг динамик мувофиқлигидир. У хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига турли омиллар таъсири остида турли ўзгаришларга олиб келишига қарамай, барқарор ривожланишни таъминлайди” (Окладский, 2000). Захарченко (2018) эса қуйидагича таъриф келтиради: “иқтисодий барқарорлик – бу инновацион, молиявий, ишлаб чиқариш фаолиятининг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда турли хусусиятлари йиғиндисидир” (Захарченко, 2018). Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан Саттаров (2018) “банк тизими барқарорлиги – бу Марказий банк ва тижорат банклари фаолияти давомида ўз функцияларини тўлақонли бажара олишини таъминлаш имконини берадиган даражани сақлаган ҳолатда, ривожланишга қараб интилишдир” деб таъриф берган (Саттаров, 2018).

Ҳозирги пайтда “барқарорлик” атамаси “молиявий барқарорлик” атамаси билан биргаликда ишлатилади. Чунки иқтисодий муносабатларнинг ажралмас қисми молиявий муносабатлардир. Шуни таъкидлаб ўтиш керак, “молиявий ҳолат” тушунчаси банк фаолиятининг иқтисодий ҳолатини англатса, “молиявий барқарорлик” – унинг фаолияти динамикасини ифодалайди.

Молиявий барқарорлик бу - молия тизими, хусусан, молия бозорлари ва молиявий институтлар тизимининг беқарор иқтисодий шароитда асосий функцияларини бажара олиш қобилиятидир.

Юқоридаги иқтисодий адабиётларни таҳлил қилган ҳолда “молиявий барқарорлик” тушунчасига берилган изоҳлар қуйида жамлаб келтирилди:

Фредрик С. Мишкин (2016) “молиявий барқарорлик – бу молия тизими, хусусан, молия бозорлари ва молиявий институтлар тизимининг беқарор иқтисодий шароитда асосий функцияларини бажара олиш қобилиятидир”;

Окладский ва Барановлар (2000) “тизим фаолияти давомида унинг самарали ишлашига шароит яратувчи параметрларининг динамик мувофиқлигидир. Хўжалик юритувчи

субъектларнинг фаолиятига турли омиллар таъсири остида турли ўзгаришларга олиб келишига қарамай барқарор ривожланишни таъминлайди”;

Захарченко (2018) “иқтисодий барқарорлик – бу инновацион, молиявий, ишлаб чиқариш фаолиятининг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда турли хусусиятлари йиғиндисидир”;

Омельченко “тизимни барқарор ҳолатдан чиқарган таъсирлар тугаганидан кейин яна тизим олдинги ҳолатига қайтиши тизимнинг барқарорлигини англатади”.

#### Тадқиқот методологияси.

Мақолада тизимли, илмий мушоҳада, иқтисодий статистик, корреляцион-регрессион, иқтисодий математик, SWOT таҳлил, монографик тадқиқот, статистик танланма, гуруҳлаш, қиёслаш, экспертлар баҳоси ва бошқа усулларидан фойдаланилган.

#### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Банкларнинг барқарорлиги ушбу вазиятда хусусий ҳолат ҳисобланади. Банклар учун молиявий барқарорлик долзарблигининг сабаби доимий иқтисодий инқирозлар бўлиб ҳисобланади. Банкларнинг молиявий барқарорлиги тушунчасига кўплаб олимлар томонидан изоҳлар келтирилган бўлса-да, ҳалигача “банк молиявий барқарорлиги” тушунчасига қонун-низоми билан белгиланган таъриф берилмаган.

#### 2-жадвал

##### “Банкларнинг молиявий барқарорлиги” тушунчасига берилган изоҳлар

Автор	“Банк молиявий барқарорлиги” тушунчасига берилган изоҳлар
В.В. Иванов (1996)	Банк молиявий барқарорлиги унинг активлари сифати, капитал етарлилиги ва фаолият самарадорлиги билан баҳоланиши мумкин
Р.М. Каримов (1999)	Тижорат банкининг капитали барқарор бўлиб, ликвид балансга эга бўлса, тўловга қобилиятли бўлса ва капитал сифати бўйича талабларга жавоб берса, тижорат банкининг фаолияти барқарор бўлиб ҳисобланади.
В.Б. Тиханин (2002)	Банкларнинг молиявий барқарорлиги деганда унинг турли тебранишларга қарши туриш қобилияти ва жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини омонатга қабул қилиш, банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, шунингдек, жалб қилинган маблағларни ўз номидан ва ўз ҳисобидан тўловлилик, муддатлилик ва қайтаришлик шартлари асосида жойлаштириш функцияларини бажаришда давом этиши тушунилади.
Ф.Ф. Фетисов (2009)	Тижорат банкининг молиявий барқарорлиги унинг банк фаолияти яқунлари, ресурслари, капитали, даромадлари ва харажатлари орқали изоҳланади.
Е.Б. Герасимова (2014)	Кредит ташкилотининг молиявий барқарорлиги – бу унинг ресурслари ўсиб боровчи иқтисодиёт ва ички трансформациялар шароитида ўз сифатини сақлаши ҳамда бир вақтнинг ўзида қўйилган мақсадга эришишни таъминлашдир.
Саттаров О.Б. (2018)	“банк тизими барқарорлиги – бу Марказий банк ва тижорат банклари фаолияти давомида ўз функцияларини тўлақонли бажара олишини таъминлаш имконини берадиган даражани сақлаган ҳолатда, ривожланишга қараб интилишдир”.

Шуни таъкидлаш лозим, одатда, “банк молиявий барқарорлиги” регулятор томонидан мажбурий белгиланган маълум кўрсаткичларнинг бажарилишини англатади. Аммо фақатгина ушбу кўрсаткичларнинг бажарилиши банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаб бермайди. Рейтинг ташкилотлари, кўп ҳолларда, банкнинг молиявий барқарорлиги унинг кредитга лаёқатлилиги билан ҳамда кредитга лаёқатлилигини узоқ вақт мобайнида ушлаб тура олиши билан боғлиқ, деб ҳисоблайдилар. Америкалик мутахассис Дэррил Е.Геттер банк ва банк тизимининг молиявий барқарорлигини рентабеллик ва банкнинг кредит фаолияти фаоллиги билан таҳлил қилиш керак, деган фикрни келтиради (Кошелюк, 2007).

Халқаро валюта фондининг мутахассислари банк молиявий барқарорлиги, биринчи навбатда, бошқарув ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш қобилияти, рентабеллик кўрсаткичлари, шунингдек, турли ташқи ва ички омиллар таъсирига қарамай, ўз барқарорлигини сақлай олиш қобилияти, деб баҳолайдилар (Королев, 1997).

Базел Қўмитасининг норматив актларида молиявий барқарорликка тегишли изоҳлар берилган. Норматив ҳужжатларга кўра, агар банк фаолияти натижалари регулятор (Марказий банк) томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлса, унинг фаолиятини молиявий барқарор деб тан олиш мумкин. Регулятор норматив ҳужжатларида “молиявий барқарор” атамасига нафақат таъриф берилган, балки молиявий барқарорлик параметрларига комплекс талаблар белгилаб қўйилган.

Қуйида кўп ҳолларда банкларнинг ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар жадвал кўринишида келтирилди (3-жадвал).

3-жадвал

**Банкларнинг ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар**

Молиявий барқарорликни баҳоловчи кўрсаткич	Банк	Бошқа хўжалик юритувчи субъектлар
Хусусий капитал кўрсаткичлари	-Капитал етарлилиги; -Хусусий капитал структураси.	-Ўз маблағларининг улуши; -Молиявий мустақиллик.
Активлар кўрсаткичлари	-Ссудалар ва активлар сифати; -Муддати ўтган ва умидсиз кредитлар улуши; -Эҳтимолий йўқотишлар бўйича захиралар; -Кредит рискларининг концентрацияси.	-Активлар айланувчанлиги; -Мулкнинг реал қиймати коэффиценти; -Айланма маблағлар таъминланганлиги кўрсаткичи.
Ресурс базаси кўрсаткичлари	-Пассивлар, жалб қилинган маблағлар ва мажбуриятлар структураси.	-Молиявий левераж коэффиценти; -Капитал ва қарз маблағлар структураси ва қарз маблағларга қарамлик.
Ликвидлилик кўрсаткичлари	-Юқори ликвидли активлар улуши; -Ликвидлилик.	-Ликвидлилик.
Рентабеллик кўрсаткичлари	-Рентабеллик; -Даромад ва харажатлар структураси; -Соф фоизли маржа; -Фаолиятнинг умумий самарадорлик кўрсаткичи.	-Рентабеллик; -Даромад ва харажатлар структураси.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида банк молиявий барқарорлигини аниқлашга бир неча ёндашувлар мавжудлиги аниқланди:

1) Биринчи ёндашув натижага эришиш даражасини баҳолашга асосланган. Молиявий барқарорликни фаолиятда ижобий натижага (фойда ва капитал ўсиши) эришишни тўловга лаёқатлиликни таъминлаш шартли сифатида баҳолаш позициясига асосланади.

2) Иккинчи ёндашув асосий эътиборни ташкилотнинг режалаштирилган ҳажмдаги фаолиятни амалга ошириш учун маълум ҳажмдаги ресурсларга эгаллигини таъминлашга қаратади.


3) Учинчи ёндашув молиявий барқарорликни ташкилот фаолиятига салбий таъсир қилувчи омилларга қарши тура олиш қобилияти сифатида қарашга асосланган.

Тадқиқотлар натижасида қуйидаги таърифни келтиришимиз мумкин: тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги – бу, белгиланган асосий институционал талаблар бажарилишининг таъминланиши ва танланган банк бизнес-моделига мувофиқ ривожланиш асосида банкнинг динамик ўсиб боровчи молиявий ҳолатидир.

Банк молиявий барқарорлиги тушунчаси молиявий барқарорлик даражасини аниқловчи омиллар билан узвий боғлиқ. Қуйида молиявий барқарорликка таъсир қилувчи омиллар гуруҳларга бўлиб таснифланган:

1. Ички ва ташқи омиллар.
2. Доимий ва вақтинчалик омиллар.
3. Асосий ва иккинчи даражали омиллар.
4. Ижобий ва салбий омиллар.
5. Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар.

Куйида ҳар бир гуруҳдаги омилларни батафсил кўриб ўтилган.



**1-расм. Банк молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар**

Юқорида келтирилган омилларни бирма-бир таҳлил қиламиз.

Ташқи омиллар банк фаолиятига боғлиқ бўлмайди. Умумиқтисодий омиллар сифатида банклараро рақобат, мамлакатдаги инвестицион муҳит, ялпи ички маҳсулот ҳажми, бозор конъюктураси, иқтисодий ислохотлар ва бошқа шу каби омилларни санаш мумкин. Шунингдек, ушбу гуруҳга иқтисодий инқирозларни киритиш мумкин. Чунки иқтисодиётнинг барқарорлиги умуман банк тизимининг барқарорлигига асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, мамлакатда иқтисодий инқироз кузатиладиган бўлса, мижозларнинг иқтисодий имкониятлари чекланади, бу эса банклардан ресурсларнинг чиқиб кетишига, шунингдек, муддати ўтган кредитлар улушининг ортишига олиб келади. Натижада, банк фаолияти кўрсаткичлари ва активлар сифати ёмонлашади.

Мамлакатдаги иқтисодий ўсиш, аксинча, банклар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, мижозлар ресурсларининг кенг жалб қилиниши ва капиталдан самарали фойдаланиш имкониятларини юзага келтиради. Ташқи омилларга, шунингдек, мамлакатдаги инфляция даражаси, ташқи иқтисодий фаолият, фонд бозорининг ҳолати каби омилларни киритиш мумкин. Алоҳида гуруҳ сифатида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари ва Базел Қўмитаси белгиланган принципаларнинг жорий қилинганлигини белгилаш мумкин. Бунда Марказий банкнинг назорат фаолияти ва банк фаолиятига бевосита тегишли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзгариши муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий-сиёсий ташқи омиллар қаторига аҳолининг мамлакат тараққиёт йўналишига, қонунчилик барқарорлигига (божхона, валюта, солиқ қонунчилиги), иқтисодиёт ривожланиши учун ижобий муҳитнинг яратилганлигига бўлган ишончини киритиш мумкин. Ушбу омиллар мамлакат банк тизимида ишонччи ҳам шаклланишида рол ўйнайди. Аҳолининг банк тизимида ишончи юқорилиги алоҳида банкларнинг ресурс базасини оширишга, банк хизматларини кенг амалга оширишига туртки бўлади.

Форс-мажор ҳолатлари олдиндан билиш мумкин бўлмаган ҳолатлар ва табиий офатлар билан боғлиқ бўлиб, улар ҳам банкларнинг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи ташқи омиллар қаторига киради.

Иккинчи гуруҳ омиллари, яъни ички омиллар – банк фаолияти давомида шаклланган ва бевосита банкнинг фаолияти натижаларига боғлиқ бўлган омиллардир. Уларни ташкилий, техник ва молиявий омилларга бўлиш мумкин.

Ташкилий омилларга банк бошқаруви билан боғлиқ бўлган омиллар киради. Бунда бошқарувчиларнинг профессионал қобилиятлари, иш малакаси, ва унинг иш фаолияти қонунчилик талаблари ва ички нормаларга мослиги муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, бундай омилларга банк стратегияси, акциядорларнинг ўзаро муносабати, банк ички сиёсати, бошқарув сифати ва ички назорат киради. Бошқарув сифатининг пастлиги банк фаолияти

самарадорлигининг, Марказий банк томонидан белгиланган нормативларнинг бажарилмаслиги каби оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шунингдек, банк томонидан ишлаб чиқиб, тасдиқланган тўғри ички банк сиёсати банкни банкротликдан ёки лицензияси чақириб олинишидан олиб қолиш, молиявий йўқотишлар ва харажатлар ўсиши, активлар сифатининг ёмонлашуви, турли товламачиликлар ва шубҳали операцияларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Техник омиллар турли банк технологиялари билан боғлиқ. Рақамли иқтисодиёт жадал ривожланаётган бир даврда банк фаолиятини автоматлашган бизнес-жараёнлар, янги технологиялар самарали даражага олиб чиқади.

Молиявий омиллар капитал етарлилиги, баланс ликвидлилиги, мажбурий нормативларнинг бажарилиши, даромадлилик каби кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади.

### Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулоса ва таклифларни шакллантирдик:

- “Барқарорлик”, “молиявий барқарорлик”, “молиявий ҳолат” каби тушунчалар бир-биридан маълум фарқларга эга бўлиб, айнан тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги – бу, белгиланган асосий институционал талаблар бажарилишининг таъминланиши ва танланган банк бизнес-моделига мувофиқ ривожланиш асосида банкнинг динамик ўсиб боровчи молиявий ҳолатидир;

- Тижорат банклари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида молиявий барқарорликни аниқловчи кўрсаткичлар маълум фарқларга эга бўлиб, Халқаро валюта фонди, Базель қўмитаси каби халқаро ташкилотлар белгилаб берган принциплар ҳамда Марказий банк томонидан белгиланган меъёрларнинг бажарилиши банк молиявий барқарорлигини таъминлашга ёрдам беради;

- Банкларнинг молиявий барқарорлигига турли ички ва ташқи омиллар таъсир қилади. Ички омилларни банк пухта бошқарув сиёсати билан, ташқи омилларни эса мамлакатдаги қулай инвестицион ва иқтисодий муҳит билан ижобий самарали даражага олиб чиқиш мумкин.

### Адабиётлар/Литература/Reference:

Frederic S. Mishkin (2016) *“The Economics of Money, Banking, and Financial Markets”*, page 216, 11th edition.

Герасимова, Е.Б. (2014) *Феноменология анализа финансовой устойчивости кредитной организации : учебник / Е.Б. Герасимова. – Москва: Финансы и статистика, – 246 с.*

Григорьева, К.В. (2018) *Комплексный коэффициентный анализ финансовой устойчивости банка / К.В. Григорьева // Финансовая экономика. – № 5 (часть 11).*

Захарченко, В.И. (2018) *Экономическая устойчивость предприятия в переходной экономике / В.И. Захарченко // Машиностроитель. - № 1.*

Иванов, В.В. (1996) *Анализ надежности банка : практическое пособие / В.В. Иванов. – Москва: Русская деловая литература. – 320 с.*

Каримов, Р.М. (1999) *Денежно-кредитная политика и банковский надзор: учебное пособие / Р.М. Каримов. – Ижевск: Изд-во Института экономики и управления УдГУ, – 270 с.*

Королев, О.Г. (1997) *Анализ рентабельности операций коммерческого банка и ее влияния на финансовую устойчивость: специальность 08.00.12 «Бухгалтерский учет, статистика»: диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук / Королев Олег Геннадиевич ; Финансовая академия при Правительстве Российской Федерации. – Москва, – 192 с. – Библиогр.: с. 180-192*

Кошелюк, Ю.М. (2007) *Применение рейтингов в банковском риск-менеджменте / Ю.М. Кошелюк // Банковское дело. – № 12.*

Окладский, П.В. (2000) *Соотношение понятий экономической несостоятельности и устойчивости предприятий / П.В. Окладский // Лесной журнал. – № 5-6.*

Саттаров О.Б. (2018). *Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. Иқтис. фанлари доктори илмий дараж. олиш учун тайёрл. дисс. автор. Т.*

Фетисов, Г.Г. (2003) *Устойчивость банковской системы и методология её оценки / Г.Г. Фетисов. – Москва : ЗАО «Издательство «Экономика», – 394 с.*